

**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI
XMI VA MAMLAKATSHUNOSLIK FAKULTETI
“XITOYSHUNOSLIK VA KOREYASHUNOSLIK” KAFEDRASI**

Bitiruv malakaviy ishi

Mavzu

XXRda investitsiya muhitining shakllanishi: tendentsiyalar, muammolar va istiqbollar.

Bajardi: “Xorijiy mamlakatlar iqtisodiyotiga mamlakatshunoslik” ta’limy yu`nalishi 5342500 "Xitoyschunoslik" bitiruvchisi Sultonov Abduraxmon

Ilmiy rahbar: i.f.n. katta u`qituvchi D.A. Kayumova

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Кириш

1-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

- 1.1. XXRнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда “Очиқ эшиклар” сиёсатининг аҳамияти.
- 1.2. XXRда инвестиция муҳитининг шаклланиш хусусиятлари.

2-БОБ. XXR ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ

- 2.1. XXR махсус иқтисодий хусусиятлари – хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситалари.
- 2.2. XXRнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Илова

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов “Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидағи ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди”¹, — деб бежиз таъкидламаган эдилар. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи кучdir. Ҳар қандай мамлакат эса ўз имкониятларини ишга солиб, иқтисодиётига йуналтириладиган инвестициялар хажмини ошириши орқали фаровонликка эришиши ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги интеграциялашув жараёни ҳамда мураккаб глобалашув таъсири остида Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти том маънода камолот сари олға қадам ташамоқда. Унинг инвестицион муҳити эса кўп ривожланаётган мамлакатларга намуна вазифасини бажармоқда. Хитойнинг “Очиқлик сиёсати” эса давлатнинг ўз кучига суюниши билан бир қаторда инвестициялар учун қулай атмосферани ташкил этмоқда.

Юритилаётган очик сиёсат ва қулай инвестицион иқлим Хитойни АҚШдан кейинги иккинчи хориж капитали қўйиладиган марказга айлантириди. Хитойда ислоҳотлар даврида 370 млрд. доллардан ортиқ хориж капиталидан фойдаланилди. 17,5 млн. кишини иш билан таъминлаган 300 мингдан ошик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Сўнги беш йил мобайнида Хитой,

¹ Каримов И. А. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик // Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 130.

жалб этилган чет эл капитали ҳажмига кўра жаҳондаги йирик ривожланаётган давлат ҳисобланиб келинмоқда².

Кейинги пайтларда Хитойнинг очиқ сиёсати глобал хусусиятларини намоён этмоқда. У нафақат ташқи инвестицияга кенг йўл очмоқда, балки хориждаги хитой инвестициялари маблағлар салмоғини оширмоқда.

Албатта, иқтисодиёт механизмларининг фаол харакатга келиши натижасида хитой иқтисодиёти Жаҳон хўжалигига муносиб иштирок этмоқда. Ҳар қандай тадбиркор, йирик сармоядор ва албатта ишлаб чиқарувчилар хитой бозори инвестицион иқлимининг мўътадиллиги сабаб, ўз сармояларини Хитой Халқ Республикаси иқтисодий тармоқларига киритмоқдалар.

Жаҳон тажрибасидан, хусусан, Хитой Халқ Республикаси инвестиция муҳитининг шаклланишини ўрганиш ҳамда тажрибасидан кенг фойдаланиш орқали Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг имкониятларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг мақсади Хитой Халқ Республикаси инвестиция муҳитининг шаклланиши тенденциялари, муаммолари ва истиқболларини ўрганиш ҳамда таҳлилий қарашлар орқали Ўзбекистон Республикаси инвестиция соҳасига амалий таклифлар бериш ҳисобланади.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш тақозо қиласди:

- Хорижий инвестицияларни шакллантиришдаги илмий-назарий асосларни таҳлил этиш;
- Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётидаги инвестиция муҳитини ўрганиш ва унинг шаклланиш механизмларини кўриб чиқиш;
- Хитой Халқ Республикаси инвестиция сиёсатини тубдан ўрганиш ва унинг ўзига хос томонларини аниқлаш;
- “Очиқ эшиклар” сиёсатининг инвестициялар муҳити шаклланишига таъсирини ўрганиш;

² Bailes A. Dunay P., The Shanghai Cooperation Organization as a regional security institution// The Shanghai Cooperation Organisation, Stockholm International Peace Research Institute, Policy Paper No. 17, (May 2007) <http://www.sipri.org/contents/publications/Policypaper17.html#download>

- Хитой Халқ Республикаси инвестицион ҳолатининг замонавий муаммолари ва истиқболларини таҳлил этиш;
- XXR ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги инвестицион қўприк ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хитой Халқ Республикасида инвестиция муҳитининг шаклланиши тенденциялари, муаммолар ва истиқболлари хорижлик бир қатор олимлар, жумладан, Я.Берген, Ю.Я.Великомыслов, В. Гельбрас, хитойлик, Л. Делюсин, Лю Гогуан, Фам Тхи Лан Ань ҳамда ўзбек олимларидан Р.Алимов, Г.Мелибаева, А.Исаджанов, Т.Ҳикматовларнинг илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида жиҳатлари ўз ечимини топган.

Мавзунинг предмети ва объекти. Мавзунинг обьекти Хитой Халқ Республикасининг иқтисодиётидаги инвестиция муҳити ҳисобланади. Мавзунинг предмети эса Хитойда олиб борилган ва олиб борилаётган инвестицион ислоҳотлар, инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича сора-тадбирлар ҳамда инвестицияларни жалб қилишдаги воситалар ҳисобланади.

Мавзунинг методологик жиҳатлари. Тадқиқот методологик асосини инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича мавжуд қонунчилик базаси, норматив ҳужжатлар, инвестицияни назарий жиҳатларини ўрганиш, мавжуд ҳолатни кузатиш, статистик таҳлил қилиш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг инвестиция муҳитига таъсир қилиш истиқболларни ўрганиш ташкил этади.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш қисми, 2 та боб, 4 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиёт рўйхати ва иловадан иборат. Иш жами 39 бетдан иборат.

1-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУХИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. XXРнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда “Очиқ эшиклар” сиёсатининг аҳамияти.

Хитой Халқ Республикаси томонидан 1978 йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳатлардан сўнг, мамлакат миллий иқтисодиётiga хориж сармояларни жалб этиш бош мақсад қилиб белгиланди. Хориж сармоялар кўлами кенгайиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш XXР нинг асосий ислоҳатлари режасидан ўрин олди ва бу мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим туртки бўлиши, миллий иқтисодиётнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишида муҳим аҳамият касб этиши, сармоялар орқали янги техника ва технологиялар жалб қилиш билан иқтисодиётни модернизациялаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фуқароларнинг ишсизлик фоизини камайтиришга хизмат қилди³.

Хитой инвестицион муҳити тўғрисида сўз юритишдан аввал, бу соҳага оид баъзи бир атамалар (инвестиция, капитал қўйилма, хорижий инвестиция) моҳиятини аниқлаб олишимиз зарур бўлади. Мисол учун, собиқ иттифоқ йилларида «инвестиция» ва «капитал қўйилмалар» тушунчалари бир хил мазмунда талқин қилиниб келинарди. Бундай ҳолларда капитал қўйилмалар деганда асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқариш, мавжуд қувватларни таъмирлаш ва уларни кенгайтиришга маблағлар солиш деб тушуниларди. Бу унчалик туғри эмас, чунки маблағлар айланма активларга ҳам, номоддий активларнинг айрим турларига ҳам, турли молиявий воситаларга ҳам солинади.

Хозирга қадар «инвестиция» тушунчаси моҳиятини иқтисодчи олимлар турлича талқин қилиб келадилар. Айрим иқтисодчилар уни «тадбиркорлик фаолиятига даромад олиш мақсадида сафарбар этилган барча турдаги бойлик» деб тушунсалар, айримлари лотинча сўзининг айнан таржимаси «солиши» деган

³ Поощряемы сферы для привлечения инвестиций в Китайскую Народную Республику. Торговое представительство России в КНР [электронный ресурс] Режим доступа: <http://russchinatrade.ru/tu/about-china/invest-in-china>

маънони билдиришидан келиб чиқсан ҳолда «капитал солиш» билан бирдай қилиб таърифлайдилар.

Хусусан Нобел мукофотининг иқтисодиёт бўйича лауреати булган У. Ф. Шарпнинг энг оммабоп ҳисобланган «Инвестиция» китобида — «Инвестициялар келгусида (эҳтимол номуайян) кийматлик олиш мақсадида хозирги вактда муайян кийматлиқдан воз кечишидир»⁴, — деб таърифланади. «Инвестициялаш» атамасининг маъносини бу кўлланма муаллифи қуидагича шархлади: «Келажакда фойда олиш учун бугун пулдан ажралишдир» ва ҳисоблайдиларки, ё реал ёки молиявий активларга инвестициялаш мумкин».

Швед иқтисодчи олими Клас Эклунд фикрича, «инвестиция — бу келажакда қўпроқ истеъмол қилиш шароитига эга бўлиш учун эртанги кунга колдирилган нарса. Унинг бир кисми хозирда ишлатилмасдан заҳирага колдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошка кисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йуналтирилган ресурслардир»⁵. Бу иқтисодчи олим инвестицияларнинг моҳиятини соддароқ талқин қилган бўлиб, у «капитал қўйилмаларга» берилган таърифга қўпроқ мос тушади.

Собик Иттифоқ Олий Совети томонидан 1990 йилда кабул қилинган «СССРда инвестиция фаолиятининг қонуний асослари» да ҳам инвестицияга таъриф берилган.

Бу қонунда инвестицияга берилган таъриф аникроқ бўлсада, камчиликлардан ҳоли эмас. Чунки ҳар қандай инвестиция қўйиш натижасида улар (фойдани шакллантириш ёки ижтимоий самарага эришиш)га эришиб бўлмайди. Фойдасиз ҳарбий саноат мажмуалари, тугалланмаган қурилиш, ижобий натижа олинмаган айрим илмий изланишлар ва шунга ўхшаш объектларга қўйилган маблағлар самарасиз инвестицияларга мисол бўла олади.

«Экономика, принципы, проблемы и политика» дарслигининг муаллифлари инвестиция тушунчасини қуидагича шархладилар, яъни

⁴ Великомыслов Ю.Я. Иностранные инвестиции. Международно-правовое и внутригосударственное регулирование деятельности предприятия с иностранными инвестициями. – М., 2005.

⁵ Потапов М.А., Салицкий А.И., Шахматов А.В. Экономика современной Азии: Учебник. –М.: Международные отношения, 2008.

«инвестиция» — бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга ҳаражатлардир»⁶. Ушбу таъриф ўз мазмунига кўра, кўпроқ., «капитал қўйилмалар» тушунчасига мос келишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Россиялик иқтисодчи олим Е. В. Михайлова эса «инвестициялар — келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади»⁷, деган фикрни илгари суради. Бу таъриф умумий ва содда қилиб тушунтирилган бўлиб, бозор иқтисодиёти манфаатларига мос талқин қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д. Ф. Гозибеков ва Т. М. Коралиевлар инвестицияни даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар деб таърифлайдилар. Самара келтирадиган мулкий ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар);
- муаллифлик ҳуқуқи, ихтиrolардан фойдаланиш ҳуқуқларидан (ноу-хау) ташкил топган мулқдорлик ҳуқуқлари, бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- бошқа бойликлар.

Шунингдек инвестиция тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида «Иқтисодий

⁶ Кузнецов А. Прямые иностранные инвестиции. Эффект соседства // Мировая экономика и международные отношения. – 2008. - № 9. – С. 40

⁷ Стрелец И. Глобализация и новые информационные технологии в международном экономическом пространстве // Проблемы Дальнего Востока. – 2010. - № 2

ва бошка фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуклар» сифатида ҳам таърифланади.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, умумлаштирад эканмиз унинг жуда кенг тушунчага эга эканлигини ва уни ҳар хил талқин қилиш мумкинлигини куришимиз мумкин. Шунинг учун «инвестиция» тушунчасига таъриф берадётганда унинг барча жихатларини ҳисобга олмогимиз лозим. Иқтисодий фаннинг турли булимларида, шунингдек амалий фаолиятларининг турли йўналишларига тадбиқан маблаг солиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу атамага турли маъно берилмоқда.

Фикримизча, бу атаманинг барча жихатларини умумлаштириб, куйидагича таъриф бериш лозим. «Инвестиция» — бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни кондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестиция моҳиятини очувчи ушбу таърифга биноан ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида инвестор «чекланган имконият»ларидан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришга «маълум миқдордаги» маблағ сарфлаши натижасида қисман фойда олиши, ушбу ҳолатни умумжамият миқиёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг барча жабхаларида қатнашиши натижасида иқтисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди. Бу ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг — «Инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қиласи»⁸, —деб таъкидлаган фикрига бевосита тўғри келади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, инвестиция иқтисодиёт ҳолатини тавсифловчи «асосий бирламчи» элементи деган хуроса қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инвестиция маълум субъект оркали иқтисодиёт соҳаларидан даромад олиш ёки самарага эришиш мақсадида сарфланаётган

⁸ Каримов И. А. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 96.

экан, уни бевосита ва билвосита даромад келтирувчи инвестицияларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция түғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифга асосланиб ҳамда иқтисодиёт ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қуидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқли бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;
- иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;
- мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишни таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;
- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш оркали мамлакатнинг баркарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Хитой Халқ Республикаси томонидан юритилаётган очик сиёsat ва қулай инвестицион иқлим Хитойни АҚШдан кейинги иккинчи хориж капитали кўйиладиган марказга айлантирди. Хитойда ислоҳотлар даврида 370 млрд. доллардан ортиқ хориж капиталидан фойдаланилди. 17,5 млн. кишини иш билан таъминлаган 300 мингдан ошиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди⁹. Сўнги беш йил мобайнида Хитой, жалб этилган чет эл капитали ҳажмига қўра жаҳондаги йирик ривожланаётган давлат ҳисобланиб келинмоқда.

Умуман олганда Хитой Ҳукумати томонидан олиб борилган “Очиқ эшиклар” сиёсати мамлакат инвестиция мұхитини тубдан ўзгартириб юборди. Иқтисодиётнинг бир қатор соҳаларига хорижий инвестиция киритилиши Ҳукумат даражасига кўтарилди. Махсус иқтисодий худудлар ҳам айнан ушбу сиёсат натижасида ташкил этилди.

⁹ Дай ЮЭ. Формирование инвестиционного климата в КНР: тенденции, проблемы, перспективы: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2009.

Албатта, Хитой Халқ Республикаси инвестицион мухитининг сезиларли равища ўсишига бир қатор сабаблар мавжуд. Жумладан:

- Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши;
- 1978 – 1982 йилларда Хитой Ҳукуматининг сиёсий қарашлари ўзгариши ҳамда мамлакат ривожланишининг янги босқичига ўтилиши;
- Мамлакат миқёсидаги иқтисодий ислоҳатлар ва “Очиқ эшиклар” сиёсати олиб борилганлиги;
- Махсус эркин ҳудудлар ташкил қилиниб, ушбу ҳудудларга киритилган сармояларнинг имтиёзли равища фаолият олиб бориши;
- Мамлакат томонидан сармоядорларнинг маблағлари кафолатланиши ҳамда қонуний жиҳатдан ҳимояланганлигини кўрсатиш мумкин.

1-Жадвал

**XXР томонидан жалб қилинган хориж сармоялари
(100 млн. АҚШ доллари)**

Йил	Умумий ҳажм	Хориж кредитлари	Тўғридан-тўғри хориж сармоялари	Бошқа хориж сармоялари
2006	670,76	-	630,21	40,55
2007	783,39	-	747,68	35,72
2008	952,5	-	924,0	28,6
1979- 2008	10 498,15	1 471,57	8 526,18	500,51

Манба: <http://www.chinastar.ru/rus/2/2/3/>

Яна Хитойнинг инвестицион иқлими хусусида тўхталадиган бўлсак, у 1970 йилга қадар ўзини инқилобий комунистик давлат сифатида танитган бўлиб, жаҳон ҳамжамиятидан мутлақо узилиб қолган эди. Ўша пайтдан бошлаб, ҳарбий хавфсизлик ва миллий манфаатлар коммунистик мафкура ва инқилобий гояларни секин-аста суриб чиқара бошлади.

Хитой ўз йўлини танлади. Унинг моҳияти қуйидагича: фақатгина замонавий модернизациялаш сиёсати муваффақиятли амалга ошириш, кенг

қамровли иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва ташқи дунё билан ижтимоий-маданий ва маънавий, миллий қудратни оғишмай юксалтириш, жамиятнинг бирдамлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини ошириш, буни амалга ошириш учун эса Хитой ўз тараққиётнинг биринчи босқичида ижобий ўзгаришлар ясаш билан бирга, атрофлича ўйланмай ва шошма-шошарлик билан чиқарилган қатор бошқарув қарорлари (“катта сакраш” дастури, халқ комунасини яратиш, ва айниқса, “маданий инқилоб”) туфайли моддий ва молиявий ресурслар танқислиги ҳамда етук кадрлар етишмаслиги, халқнинг (асосан қишлоқ жойлардаги) қашшоқлиги оқибатида ривожланиш йўлидаги жиддий тўсиқларни олиб ташлаши амалий мазмун касб этмоқда эди¹⁰.

1978 йилнинг охиридаги ХХР ХКП МҚнинг XI чақириқ учинчи Қурултойида эса айнан иқтисодиётнинг тубдан ислоҳ этилиши ва инвестицион муҳит учун қулайликлар яратиш кераклиги долзарб масала этиб белгиланди ва ижобий томонга ҳал этилди.

Хитой Хукумати биринчи навбатда сармояларни қишлоқ ҳаётини фаровон этиш мақсадида, қишлоқ ҳудудларига киритди. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси қишлоқлардан бошланди.

Дэн Сяопин ислоҳотларни биринчи навбатда қишлоқда, дехқонларга ўз меҳнат ҳосилига эркин эгалик қилиш ҳуқуқини бериш билан бошлади. Сўнг, мавжуд ҳолатни барқарорлаштириб, бозорни шакллантириш учун замин яратди ва 80-йилларнинг ўрталарига келибгина шаҳарда кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга киришди. У ушбу босқичда барча “тенглаштирувчи” андозалардан воз кечиб, умумий иқтисодий ривожланишни тезлаштириш учун қисман қатор ҳудудлар ва одамларнинг фаровонлигини, даромадини оширишга эришди.

Улар томонидан қўйилган ҳар бир қадам социализм модели ва ғарб демократиясини ўзлаштириш тарафдорлари томонидан қаршилик билан кутиб олинарди. Мураккаб иқтисодий ва сиёсий вазиятда иш олиб борган Дэн Сяопин,

¹⁰ Милонов В.С. Открытие Китая внешнему миру: временной и пространственный аспекты (этапы, особенности): науч.-аналит.обзор. – М, 1996.

асосий эътиборни ҳар қандай қатъий чораларни қўллаб бўлса ҳам, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратди.

Ислоҳотларнинг асосини иқтисодиётни барбод қилувчи эркинлаштириш усули эмас, тажрибавий текширув орқали бозор иқтисодига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш ташкил этди. Бу ислоҳотларнинг тартибли кетмакетлиги шарқона таҳлитда “Тошларни пайпаслаган ҳолда дарёдан кечиб ўтиш” формуласи билан ифодаланади.

Ислоҳотлар иқтисодий сиёsatнинг “тартибга солиш, ислоҳ қилиш, тўғри йўлга қўйиш ва юксалтириш” (тяочжен, гайгэ, чжэн-дунь, тигао) формуласи билан белгиланувчи бир қисми сифатида намоён бўлди. Янги курснинг тўрт йўналишидан бири – “тартибга солиш” бекорга биринчи ўринга қўйилмаган эди. Айнан шу йўналиш янги сиёsatнинг марказий бўғини ҳисобланарди.

Хитойликлар бозор муносабатларига ўтишнинг табиий йўли деб – хўжаликнинг кўп тармоқли мулк шаклларини (коллектив, шахсий, хусусий, кўшма (хорижликлар иштирокида) ривожлантиришни кўзда тутади. Бу йўл биринчидан, бозор субъектларининг тез ўсишини таъминлаш, иккинчидан, иқтисодий миллийлик тўзилмасини ўзгартириш орқали сармояларни олиб кириш шунинг асосида замонавий ишлаб чиқариш тўзилмаларини шакллантиришни ўз ичига олади.

XXР раҳбарияти ислоҳатларни ўтказар экан, хўжалик ташуббусини микродараражада рағбатлантирган ҳолда, иқтисод устидан макроназоратни ҳам қўлдан бой бермади: мувозанат бўзилиши хавфли тус олган даврда тезлик билан аксилчоралар кўрди. Бозор субъектлари давлатнинг мавжуд тўзилмаларини бўзмаган ҳолда шакллантирилиб, асосан бўш оралиқларни янги тижорат тўзилмалари билан тўлдирилди, яъни ислоҳот дастлабки қадамлариданоқ иқтисодий тақчилликни камайтириш учун хизмат қилди. Бу мақсадда нафақат ички заҳиралар сафарбар қилинди, балки чет эл сармояси ҳам фаол жалб этилди.

Зеро, ислоҳот ташаббускорларининг давлат, хитой тадбиркорлари ва хорижий сармоядорлар манфаатларига мувофиқ келувчи оқилона, мослашувчан, барқарор молиявий-иктисодий қонунчилик ишлаб чиқишига бўлган сермулоҳаза ёндошувлари – ўзгаришларнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

1979 йилдан шу кунга қадар Халқ вакиллари бутунхитой мажлиси ва ХВУ/БМ доимий қўмитаси 328 қонун ва уларнинг шарҳларини кўриб чиқиб, қабул қилди. XXР Давлат Кенгashi мисолида молиявий-иктисодий ва бозор муносабатларининг турли жиҳатларини ҳар тарафлама тартибга соловчи 721 меъёрий актларни ишлаб чиқди. Шу кунгача 7 мингдан ортиқ маҳаллий аҳамиятга молик қонунчилик меърлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Бундан ташқари мамлакатда бозор муносабатларини тартибга соловчи 17 мингдан ортиқ норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган¹¹.

Инвестиция бозори ва муҳити жаҳон талабларига мувофиқлиги ва мулкий ҳуқуқларни халқаро ҳимоялашни мустаҳкамлаш мақсадида Хитой Бутунжахон савдо ташкилотига кириш учун ҳуқуқий асос бўладиган қатор халқаро шартномаларни имзолади. Ташқи савдода ҳам ислоҳотлар ўтказилиб,

- валюта даромади ва ҳаражатларини режалаштириш бекор қилинди;
- мунгизам равишда, босқичма-босқич божхона тўловларининг умумий даражаси пасайтирилмоқда;
- Марказий банк ва давлат томонидан хорижий сармоядорларни иктисодий ва ҳуқуқий кафолатлашнинг тўлиқ тизими ишлаб чиқилди.

2001 йил Хитой Халқ Республикаси Бутунжахон савдо ташкилотига аъзо бўлгандан кейин мамлакатга инвестиция оқими яна кўпайди. Эндиликда, оғир ва енгил саноат, тўқимачилик ва бир қатор катта компаниялар ўз сармояларини Буюк хитой деворидан олиб ўтдилар ва ушбу сармоялар хитой аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда мамлакатнинг жаҳон аренасида муносиб иштирокини таъминловчи муҳим куч бўлиб қолди.

Хитой иктисодиётiga жалб қилинган сармоялар асосан денгиз бўйи шаҳарлар кесимиға тўғри келади, бу эса худудларнинг ялпи ички маҳсулотларининг нотекислигига сабаб бўлади.

¹¹ Лю Чжанъли. Прямые иностранные инвестиции в экономику Китая: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2010

2-жадвал

XXР даги З та иқтисодий ҳудудларнинг ЯИМ даги улуши % да¹².

	1980	1985	1990	1995	1999	2002	2006	2008
Мамлакат бўйича жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Шарқий	52,5	52,7	53,9	53,7	51,9	51,2	50,8	50,3
Марказий	31,5	30,9	29,7	28,3	30,9	30,4	29,2	29,0
Ғарбий	16,4	16,4	16,4	14,0	17,2	19,4	20,0	20,7

1.2. XXРда инвестиция муҳитининг шаклланиш хусусиятлари.

Кейинги пайтларда Хитойнинг очиқ сиёсати глобал хусусиятларини намоён этмоқда. У нафақат ташқи инвестицияга кенг йўл очмоқда, балки хориждаги хитой инвестициялари маблағлар салмоғини оширмоқда.

Иқтисодиётга киритилаётган инвестиция миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга.

Ислоҳотлар ва модернизация бўйича хитой тажрибасининг муҳим хусусиятларидан бири: бир вақтнинг ўзида моддий ва маънавий тамаддунни ривожлантириб, фан-техника, таълим, маданият соҳаларини тараққий эттириш йўли билан инсоният сармоясидан максимал даражада фойдаланиш сиёсатини амалга ошириш кўзда тутилади. Ислоҳотларнинг стратегияси, таълим ва фанни

¹² Да Туаочжен, Чжунго Цзинцзи Цзегоу Туаочжон де луи да венти, Пекин 2007, 198 с.

ривожлантириш стратегияси билан ўзлуксиз алоқада. Хитой “фан ва техника – ишлаб чиқаришдаги илғор күч”, деган фикрни олға сурмоқда. Сўнги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсишнинг 30 % илғор технологияларни қўллаш ҳисобига тўғри келгани ҳам тасодифан эмас. Яқин кунларгача халқи қашшоқликда кун кечиравчи, қолоқ давлат ҳисобланган Хитой, ривожланишнинг янги даври – “иқтисодий илм” жамиятига ўтиш учун комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу давлат ҳозирда ишлаб чиқараётган компьютерларининг сони, сифати бўйича ва халқ таълими, соғлиқни сақлаш, саноат ташкилотлари, давлат идоралари тизимини компьютерлаштириш борасида жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Хитой ўзининг электрон интернет тўрини яратиб, мамлакатнинг ахборот хавфсизлигига доир қатор қонунчилик доктриналарни тасдиқлади.

Хитойнинг иқтисод ва маданият соҳасида эришган мислсиз муваффақиятлари уни халқнинг бутун энергияси ва эътиборини талаб қиласидан турли мураккаб муаммолардан холос этганича йўқ. Экология муаммоси, ўзининг иқтисодий қадриятлар тизими–истеъмол тизимини ишлаб чиқиш, сон жиҳатдан жуда кўп бўлган аҳолини яшashi учун қулай шарт-шароит билан таъминлаш, буларнинг бари Хитойни ҳар томонлама халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга рағбатлантироқда. Давлат раҳбарлари эришилган ютуқларга қарамай, XXР ҳамон ривожланаётган мамлакатлигича қолаётганини доимо таъкидлашмоқда. Замонавий маҳсулотлар истеъмоли бўйича хитой аҳолиси ривожланган ва ўрта ривожланган давлатлар аҳолисидан анча ортда қолган. Хитой ўз олдига XXI аср охирига қадар ривожланган давлатлар даражасига етишни мақсад қилиб қўйган. Хитой етакчилари мамлакат ўз равнақи йўлида ижобий халқаро муҳит, ўзаро мустаҳкам алоқа ва маданий ривожланган халқлар ҳамжамиятига эҳтиёж сезгани учун ҳам, улар жаҳоннинг барча давлатлари билан тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини олиб бориш ниятида эканликларини қатъий таъкидламоқдалар.

Ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари

таркибида давлат улушкини камайтирган ҳолда чет эл сармоялари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хитойнинг бугунги иқтисодий ислоҳатлар бозор феномени – сунъий хусусийлаштириш ва ваучерлаштириш, давлат мулкини яққол талон-тарож ва ташмачилик қилиш ҳисобига эмас, балки давлат ҳомийлигидаги иқтисодиёт хусусий тармоқларини яратиш орқали шаклланмоқда. XX асрнинг 90-йилларига келиб, ХХРдаги бу жараён мулкий ҳуқуқни амалга ошириш усули сифатида давлат ташкилотларини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш асосида ривожланди.

Хитой маҳсулотларга баҳо белгилаш ва инфляцияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш борасида пухта ўйланган сиёsatни амалга оширмоқда. Ислоҳотларнинг асосий йўналиши эҳтиёж катта бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг нархини эркинлаштиришдан иборат бўлиб, асосан давлат томонидан маълум бир маҳсулотлар қийматини бошқариш, ишчи кучлари бозорлари, ахборот, қимматбаҳо қоғозлар, ишлаб чиқариш бозорлари шакллантирилди. Бу кўрилган чора-тадбирларни жамият ҳаётида умумий барқарорликни сақлаб қолишининг муҳим омили сифатида қараш керак бўлади.

Кейинги пайтларда ХХРда ҳам бозор талабларига жавоб берувчи ва асосан иқтисодий механизмлар ҳисобига амалга оширилувчи макроназорат тизими ислоҳоти, ички ва ташқи сармоядорлар учун қулай инвестицион иқлимини шакллантириш ва замонавий талабларга жавоб берувчи иқтисодий инфратўзилмаларни яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қўшимча равища қонуний даромаднинг сақланишига кафолат берувчи ва капитал қуйилмаларни рағбатлантирувчи мослашувчан ва имтиёзли солиқ ҳамда божхона тизимлари ишлаб чиқилди.

Сармоядорларга ўз маблағларидан хитой ва ташқи бозорда унумли фойдаланиш имконини берадиган кўп тармоқли банк-молия инфратўзилмаси ва коммуникация тизимлари яратилди. Ички пул муомаласидаги барқарорлик ва давлат томонидан хитойлик омонатчиларнинг омонатлари кафолатланиши, халқ

хўжалигининг турли соҳаларига аҳолининг катта миқдордаги маблағларини жалб этиш имконини берди.

Инвестор инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йуналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин. Бу, аввало, инвестиция фаолиятида банклар иштирокини оширишни талаб этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов «Банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғинига, корхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи лозим»¹³, — деб таъкидлаб ўтган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида Хитой Халқ Республикасида банклар инвестиция фаолиятининг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида қуидаги фаолиятларнинг у ёки бу турлари бўйича иштирок этмоқдалар:

- инвесторларга тегишли ҳамда инвестицион мақсадларга йуналтириладиган маблағлар ҳаракати бўйича молиялаштириш ҳисоб-вараклари очиш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- фойда олиш ва банк ликвидилигини ошириш мақсадида ўз ва жалб қилинган маблағларни давлат ва корпоратив қимматли қоғозларга қўйиш;
- ўз ва жалб қилинган маблағларни инвестиция лойиҳаларига бевосита қўйиш, яъни хўжалик субъектлари инвестиция фаолиятини кредитлаш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш орқали корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришда иштирок этиши.

XXРда асосан, чет эл инвестицияси хусусиятига қараб, иқтисодиёт соҳалари бўйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқилган ва унда тармоқларни, асосан, З гурӯхга, яъни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга бўлиб, инвестицияни устувор даражада реал секторга йўналтириб, сўнг қолган соҳаларни ривожлантиришга ҳамда

¹³ И.А.Каримов. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараккиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент Ислом Каримов ЎзР Олий Мажлис конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.07.12.2010 й. www.press-service.uz

иқтисодиёт ривожланиши ва заруриятидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга ҳам жалб этилиши белгилаб қўйилган¹⁴.

2-БОБ. ХХР ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. ХХР махсус иқтисодий хусусиятлари – хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситалари.

Барчамизга маълумки, жахон иқтисодиёти глобаллашуви ва интеграцион жараёнлар кетаётган бир пайтда хорижий инвестицияларни жалб этиш, умуман, мамлакат инвестиция муҳитини фаровонлигини таъминлаш кенг аҳамият касб этмоқда. Замонавий жахон иқтисодиётида инвестицион ҳамкорлик қилмаган мамлакат деярли қолмади ва барча давлатлар ўзаро ҳамкорлик ришталарини ўрнатганлар. Давлатнинг ривожланишида ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўсишида ҳар бир мамлакат жахон хўжалигида фаол иштирок этмасдан ва албатта инвестицияларни жалб қилмасдан туриб бунга эриша олмаслиги бугунги кунда бор ҳақиқатга айланди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хориж сармояларни жалб қилиш бир қатор имкониятларни беради. Биринчидан, бу каби сармоялар мамлакат ривожланишига қўшимча куч бериб, турли соҳаларни камолотига хизмат қиласди. Мисол учун, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, янги технологияларни жалб этиш ва хаказо. Иккинчидан эса мамлакат иқтисодиётидан маблағ кетмайди ва бу сармоялар мамлакат ташки қарзи ҳисобига ўтмайди.

Хориж сармоялари бир қатор Осиё давлатларининг иқтисодиёти барқарорлашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу каби сармоялар туфайли сармоя қабул қилувчи давлатларда бош иш ўринлари, ойлик маошларининг сезиларли равишда ўсиши ҳамда экспорт салмоғи кўтарилиши билан изоҳланмоқда. Инвестицияларнинг мамлакатга кириб келиш салмоғи қанча кўп

¹⁴ Новоселова Л. В. Развитие иностранного предпринимательства в КНР // Проблемы дальнего Востока. – 2005. - №3. – С. 93-105

бўлса, бу мамлакатнинг очиқлик даражаси катталиги билан ўлчанилади. Хитой Халқ Республикаси эса ана шундай очик иқтисодиётга эга ҳамда инвестицияларни жалб қилиш бўйича дунёда етакчи давлатга айланиб улгурди.

Ҳозирда дунё хамжамиятини Хитойдаги қулай инвестицион муҳит, арzon ишчи кучи, хом-ашёларнинг деярли барчаси маҳаллийлиги ҳамда бир яrim миллиардлик истеъмолчига эга гигант бозор қизиқтироқда.

Хитой иқтисодиётида инвестицияларнинг оқими кенгайиши ва ўсиш тенденциялар бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида Хитой Халқ Республикасининг имкониятларини ошириш билан бир қаторда янги техника-технологиялар жалб қилишда, рақобатбардошликни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш тармоқларининг ўқиб боришида ўз аксини топмоқда. Инвестицияларни жалб этиш ва уларни мақсадли йўналтириш Хитой Ҳукуматининг ўзига хос хусусияти ҳамда бош мақсади ҳисобланади.

XVI Бутунхитой Қурултойи келажакда Хитой бозорига инвестициялар кўламини ошириш ҳамда сармояларни сарфлаш сифатини янада такомиллаштириш бўйича асос бўлди десак муболаға бўлмайди. Бироқ, ҳозирги кунга келиб, Хитой Ҳукумати томонидан сон эмас, сифат босқичига ўтилганлиги, эндиликда сармояларни маҳаллийлаштириш босқичи бошланганлиги эълон қилиниши билан бир қаторда миллий ишлаб чиқариш тизими кенг қулоч очиши учун янги имкониятлар очилганлигини маълум қилди¹⁵.

Шундай қилиб, XXР олдида инвестицияларни жалб қилиш билан бир қаторда улардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар турибди. Умуман олганда хорижий инвестицияларни жалб қилиш воситаларидан Хитой Ҳукумати самарали фойдаланиб келмоқда. Дарҳақиқат, сал кам 30 йилдан бери хитой иқтисодиётига сармоялар оқими камайгани йўқ, балким йилдан-йилга уларни кўлами ва сифати ошиб бормоқда. Шунга яраша Хитой Халқ Республикаси жалб қилинган хориж сармояларидан самарали фойдаланмоқда. Хориж сармояларини жалб этишнинг ўзига хос

¹⁵ Азиатский мир. Куда движется Китай? О последнем съезде КПК и перспективах социализма. // Перспективы. [электронный ресурс] Режим доступа: http://www.perspektivy.info/oykumena/asia/kuda_dvizhetsya_kitaiy_2007-11-15-34-51.htm

хусусиятларини ўзида акс эттирган ҳамда хориж инвестициясими жалб қилиш воситалари қаторида бир қанча меъерий хужжатлар хитой Ҳукумати томонидан қабул қилинган ва қабул қилиниб келмоқда. Улардан, 1986 йил 12 апрелда қабул қилинган “Хориж сармояси билан ташкил этилган корхоналар ҳақида”¹⁶ ва 1979 йил 1 июлда қабул қилинган “Хориж сармояси билан ҳамкорлидк ташкил этилган корхоналар”¹⁷ Қонунлари, 1990 йилда қабул қилинган “Хориж сармояси билан ташкил этилган корхоналарни Қонунлаштириш” түғрисидаги Хитой Халқ Республикаси фармойиши¹⁸, 1979 йил 1 июлда қабул қилинган “Ҳамкорликда ташкил этилган акционерлик корхоналари түғрисидаги” ХХР Қонуни хориж инвестицияларини жалб қилишда восита бўла олди¹⁹.

Узоқ йиллар давомида Хитой ҳукумати ташқи олам учун очиқлик сиёсатини узлуксиз олиб борди. Мисол учун, 2004 йил 19 июл куни “Инвестицион тизимни ислоҳ этиш түғрисидаги” ХХР Давлат Кенгашининг Фармойиши қабул қилинди. Унга қўра ХХР очиқлик сиёсатини давом эттиради ва мамлакат худудига олиб кирилаётган сармояларни легаллаштриш жараёнини янада қисқартиради ва сармоядорлар учун янги имкониятлар очиб берилади²⁰. Мана шундай қонунлар, қонун ости акталри, фармойишлар ва бир қатор амалий тадбирлар хитой инвестиция мухитининг ўзига хослигини ва ишончлилик даражасини ошишига хизмат қилмоқда.

Инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солиш бўйича ишларни Хитой Халқ Республикасида ХХР Давлат Кенгashi, Ривожланиш ва ислоҳатлар давлат қўмитаси, тижорат Вазирлиги, ташқи ишлар Вазирлиги, молия Вазирлиги, банк фаолиятлари назоарти давлат қўмитаси, давлат

¹⁶ «О предприятиях с иностранным капиталом» от 12 апреля 1986 года [электронный ресурс] Режим доступа:<http://www.uglc.net/credit.php>

¹⁷ Закон Китая «О совместных предприятиях с иностранным капиталом» от 1 июля 1979 года[электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.uglc.net/joint-venture.php>

¹⁸ Положение Китайской Народной Республики «О применении Закона о предприятиях с иностранным капиталом» от 28 октября 1990 года [электронный ресурс] Режим доступа:

http://travelandlaw.ru/judge/china/opre_dpriytiyh

¹⁹ Закон КНР «О совместных акционерных предприятиях» от 1 июля 1979 года [электронный ресурс] Режим доступа: <http://consult-rs.ru/content/Index.php?id=58>

²⁰ Поощряемы сферы для привлечения инвестиций в Китайскую Народную Республику. Торговое представительство России в Китайской Народной Республике <http://russchinatrade.ru/ru/about-china/invest-in-china>

божхона бошқармаси, Хитой халқаро савдо палатаси ва савдо-саноат бошқармаси бажаради²¹.

Хитой Халқ Республикасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва умуман хориж сармоялар давлат томонидан ҳимояси кафолатланиши ҳамда уларнинг фаолияти учун кенг имкониятлар яратилиши давлат томонидан қонуний равишда белгиланганлиги кенг сармоядорлар оқимини келишига бош омил бўлиб хизмат қила олади.

3-жадвал

XXР да корхоналарнинг таркибий тузилиши. 2010 йил, % да²²

Давлат корхоналари	0,1
Хорижий қўшма корхоналар	5,4
Қўшма корхоналар	17,5
Хусусий корхоналар	37,6
Ҳиссадорлик жамиятлари	33,4
Бошқа нодавлат корхоналар	8,0
Жами корхоналар	100,0

2.2. XXРнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялари.

Хитой ҳозирги кунда инвестиция қабул қилиши бўйича жаҳонда 2 – ўринда турибди. 2010 йилда мамлакатга 100 млрд. АҚШ \$ дан ортиқ сармоя киритилди²³. Хитой нафақат сармояларни жалб қилиш бўйича, балки уни экспорти бўйича ҳам етакчи мамлакатларидан ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ҳозирги кунда Ўзбекистон сармояларга эҳтиёж сезмоқда. Шунинг учун давлат ҳукумати томонидан сармояларни жалб қилиш бўйича турли

²¹ Поощряемы сферы для привлечения инвестиций в Китайскую Народную Республику. Торговое представительство России в Китайской Народной Республике [электронный ресурс] Режим доступа: <http://russchinatrade.ru/ru/about-china/invest-in-china>

²² Хитой Давлат Статистика қўмитасининг 2010 йил учун маълумотлари асосида тузилган.

²³ Деловой журнал "ChinaPRO" - Весь Китай. Статьи / <http://www.chinapro.ru/articles/>

дастурлар ишлаб чиқилиб, сармоядорларга турли кўринишларда имтиёзлар берилмоқда.

2001 йил апрель ойида Хитой Баш Вазири ўринбосари Ли Ланьцин бошчилигига делегация ташриф буюрган эди. Ташриф мобайнида XXР ЎзРга 5 млн. Юан (625 минг АҚШ \$) миқдорида бадалсиз молиявий ёрдам ажратган эди. 2004 йил Тошкент ва 2005 йил Пекин саммити чоғида инвестиция масалари ҳам кўриб чиқилиб, унга кўра Хитой Ўзбекистонга 2 млрд. АҚШ \$ миқдорида инвестиция киритиши режалаштирилаётгани билдириб ўтилди, шундан 600 млн.и нефть ва газ соҳасига йўналтирилади²⁴.

Хитой Ривожланиш банки раҳбари Ю Сяопиннинг ташрифи чоғида Хитой ривожланиш Банки ва Алоқа Банклари ўртасида шартнома имзоланди. Бу шартномага кўра, Хитойнинг «Huawei technologies» компанияси лизинг асосида «Ўзбектелеком» АКга 18,3 млн. АҚШ \$ миқдоридаги телекоммуникацион қурилмалар етказиб беради²⁵.

2004 йилгача кўпгина Хитой инвестициялари асосан агросаноат комплексига йўналтирилган эди. 2004 йилда XXР бошлиғи Ху Цзинь Таонинг расмий ташрифи чоғида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий – техник, маданий – гуманитар соҳаларига оид бир қанча шартнома ва битимлар имзоланди. 2004 йилда Ташқи Иқтисодий Фаолият Ўзбекистон Миллий Банки ва XXР Экспорт – Импорт Банки томонидан 129 млн. Юан ва 29 млн. АҚШ \$га қарз битими имзоланди. Бу Хитой Банки томонидан олинган маблағлар ирригация соҳасини, телерадиоўзатишни йўлдош тизимини орқали амалга ошириш ва ривожлантириш ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. 2005 йил май ойида ЎзР Президентининг расмий ташрифи чоғида Ташқи Иқтисодий Фаолият Ўзбекистон Миллий Банки ва XXРнинг Экспорт – Импорт Банки ўртасида 31.4 млн. АҚШ \$ қарз битими имзоланди. Бу маблағлар “Ўзбектелеком” Акциядорлик Компаниясини реконструкци қилиш ва модернизациялаш, шунингдек

²⁴ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 18-19 - вараклар.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 18-19 - вараклар.

“Тўполанг” ГЭС учун йирик электрогенератор сотиб олиш учун йўналтирилди²⁶.

2004 йил июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №338 қарори асосида 43 та инвестицион проект ишлаб чиқилган. Шундан 21 та проект умумий суммаси 344 млн. АҚШ доллари бўлиб, Хитой ҳукумати томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига молиялаштирилди. Қолган 22 та проект эса Хитой ҳукумати ШХТга аъзо давлатларга ажратган 900 млн. АҚШ \$ фондидан молиялаштирилди. Бу проектларнинг умумий суммаси 610 млн. АҚШ \$ни ташкил этади²⁷.

2005 йил июль ойида Бош Вазир ўринбосари У И ташрифи мобайнида савдо ҳамкорилиги бўйича бизнес – форум ўтказилди. Унда 500 га яқин икки томондан йирик саноат корхоналари иштирок этди. Ташриф мобайнида “Ўзбекнефтегаз” ва XXРнинг “Синопек” корхоналари ўртасида битим имзоланди. Бунга кўра XXР томонидан олиб кириладиган 106 млн АҚШ \$ миқдоридаги бевосита инвестициялар ҳисобига Андижон ва Наманган вилоятларида геолоразведка ишлари амалга оширилди. Ташриф чоғида 12 та шартнома, битим ва грантлар имзоланди. Бизнес – форум якунида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 1.5 – 2 млрд. АҚШ \$ етказиш режалаштирилди²⁸.

2005 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Кўмитаси томонидан “Ўзбекистон почтаси” Очиқ Акциядорлик Жамиятининг 25.4 % давлат улуши акциялари хорижий инвесторларга сотиши мақсадида тендер эълон қилинди. Тендерда Россиянинг НПФ “Инлекс”, “Орбита” ҳамда XXРнинг FINEX LTD коммуникация компанияси иштирок этди. Тендерда таклиф қилинган акцияларнинг умумий ҳажми 2093 та бўлиб, уларнинг бошланғич қиймати 2 448 минг АҚШ \$. Тендерда якуний ҳисоб – китобларга кўра XXРнинг FINEX LTD коммуникация компанияси ғолиб чиқди. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон почтаси” Очиқ Акциядорлик Жамияти

²⁶ Ўша ерда.

²⁷ www.press-service.uz

²⁸ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 16-17 - вараклар.

дунёнинг деярли барча мамлакатлари билан почта алоқаларини ўрнатган. Бундан ташқари Бутунжаҳон Почта Жамияти олдида Республикалинг почта мажбуриятларини бажаради. Умум ҳисобда 2005 йилда Хитой томони умумий миқдори 350 млн. АҚШ \$ бўлган имтиёизлар кредитлар ва турли грантлар ажратган²⁹.

Хозирги кунда Ўзбекистонда Хитой инвестицияси иштирокида 100 га яқин корхоналар фаолият олиб бормоқда. Улар асосан иқтисодиётнинг енгил саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғи, информацион технологиялар тармоғида фаолият олиб бормоқдалар. Машинасозлик, энергетитка, химия, телекоммуникация ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бир қанча проектлар амалга оширилмоқда. Ундан ташқари иқтисодиётнинг асосий инфраструктураларида ҳамкорлик активлаштирилмоқда. Мисол қилиб Хитойнинг “Ситик” трансмиллий корпорацияси “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТКни 12 та янги электровоз билан таъминлади, ундан ташқари Қўнғиротдаги сода заводининг қуриб ишга туширилишида ҳам иштирок этди. Бу завод 22 август 2006 йилда ишга туширилди. Бу завод Хитойнинг Экспорт – импорт суғурта корпорацияси суғуртаси асосида Хитойнинг Савдо – саноат банкининг кредити (90%) ва Ўзбекистон Республикаси Ўзсаноатқурилиш банкининг кредитлари (10%) асосида молиялаштирилди. Хозирги кунда Қашқадарё вилоятида калий заводини қуриш бўйича икки томонлама мўзокаралар олиб борилмоқда. 1998 йилда Намангандаги 2 АТС қурилишида ҳам Хитойнинг **Huawei Technologies** компанияси иштирок этган эди. 2005 йилда сентябрь ойида бу компаниянинг ўзининг **Huawei Technologies** ўқув марказини ташкил этди. Анхойнинг (Хитой) ADC акционер компаниси ҳукуматлараро битимга асосан Ўзбекистонда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Хоразм вилоятига ер ҳайдайдиган янги техникаларини келтирди. 2007 йилнинг январь ойида “Ўзкоммунхизмат” ва Хитойнинг China National Machinery Import & Export Corporation (CMC) компаниялари ўртасида

²⁹ Ўша ерда.

Ўзбекистон уй фондини иссиқ ва совуқ сувларини ҳисоблайдиган қурилмаларни ўрнатиш бўйича шартнома имзоланган. Шартнома қиймати 17 млн АҚШ \$га тенг бўлиб, Хитой ҳукумати томонидан очилган кредит линияси асосида молиялаштирилади. Кредит муддати 20 йилга тенг бўлиб, дастлабки 5 йил имтиёзлидир³⁰.

Энергетика соҳасида ҳам ҳамкорликка катта аҳамият берилмоқда. Мисол учун Орол бўйи худудларда углеводородларни қидириш бўйича тўзилиб, фаолият олиб бораётган ҳалқаро консорциумга Малайзия, Жанубий Корея, Россия Федерацияси компаниялари билан бир қаторда Хитойнинг China National Petroleum Corporation компанияси ҳам кирди. 2006 йилда Хитойнинг CNPC ва Ўзбекистоннинг “Ўзбекнефтегаз” компаниялари ўртасида 2006 – 2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон худудида геологоразведка ишларини олиб бориш учун битимлар имзоланган. Шу беш йил мобайнида Хитой томони 208.5 млн АҚШ \$ миқдорида таваккал инвестиция олиб киради. Геологоразведка ишаларининг биринчи босқичида 7 минг. км .кв майдонда 2D категория ишлари олиб борилади. Биринчи босқичга 88.3 млн. АҚШ \$ миқдорида инвестиция жалб этилади. 2006 йил 25 декабрьда Хитойнинг «China National Petroleum Corp.» (CNPC) ва «Ўзбекнефтегаз» корхоналари ўртасида 200 млн. АҚШ \$ миқдорида шартнома имзоланди. Бу шартномага асосан CNPC корхонаси 15 ой давомида 23 та нефтьни қазиб чиқарувчи қурилмаларни етказиб беради. Ҳозирги кунга келиб CNPC компанияси «Ўзбекнефтегаз»дан Бухоро – Хива, Фарғона ва Устюрт нефть ва газ регионларида геологоразведка ишларини олиб бориш учун лицензиялар олган³¹.

2004 йилда Хитойнинг China Petroleum Technologies & Development Corporation компаниси “Ўзбекнефтегаз” МХК билан умумий қиймати 69.7 млн.АҚШ \$ га тенг бўлган 10 та нефтни қазиб олиш қурилмаларини ўрнатиш бўйича шартнома имзоланган эди. Хитойнинг нефть ва газ заҳираларини қидириб топиш ва уларни қайта ишлаш миллий компаниси (CNODC)

³⁰ Манба: uza.uz

³¹ Манба: uza.uz

Ўзбекистонда геологоразведка ишларига 208 млн. АҚШ \$ ни инвестиция қилишни режалаштирумокда. China National Petroleum Corporationнинг таркибиға киравчи China National Oil & Gas Exploration & Development Corp. компанияси Ўзбекистонда ўзининг 100%лик капитали билан CNPC Silk & Road компаниясини ташкил этди. Бу компания Ўзбекистон ҳудудида геологоразведка ишларини амалга оширади. 2007 йилда нефть соҳасига жалб этилган Хитой инвестициялари 26 млн. АҚШ \$ни ташкил этди³².

2007 йилнинг апрель ойида икки давлат ўртасида 530 км бўлган газ қувирини қуриш битими имзоланган. Унинг қуввати бир йилда 30 млрд. М.куб газ ўтказишни ташкил этади. Унинг бошланғич нуқтаси Алат шахридан бошланади. У Бухоро-Орол газ қувири орқали ўтиб Қозоғистон-Хитой қувурига қўшилиб кетади Ҳозирги кунда Хитой Ҳалқ Республикасининг 12 млн. АҚШ \$ миқдорида фоизсиз ҳамда 36.3 млн. АҚШ \$ миқдорида инвестициялари асосида проектлар амалга оширилмоқда. Ундан ташқари Хитойнинг Эксимбанки томонидан 300 млн. АҚШ \$ миқдорида Ўзбекистонга экспорт кредити ажратилган. Бундай кредит линиялари билан бир қаторда Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларга 900 млн АҚШ \$ миқдорида кредит ажратилган. Ўзбекистон Республикаси томонидан умумий қиймати 612.1 млн. АҚШ \$ доллари бўлган 19 та проект қўриб чиқилмоқда. Шундан 5 таси умумий қиймати 196.6 млн. АҚШ \$ бўлган проектни амалга ошириш шартномалари имзоланди³³.

2007 йилда Андижон ҳамда Оҳангарон вилоятларида кичик ГЭСлар қурилиши бошланди. Бу проектнинг умумий қиймати 17 млн. АҚШ \$га тенг. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 2008 йилнинг охирига қурилиш ишлари якунланиши режалаштирилмоқда. Андижон ГЭСнинг қуввати 50 МВт ва Оҳангарон ГЭСнинг қуввати 21 МВтга тенг. Бу проект албатта Хитой Эксимбанкининг 15.93 млн. АҚШ \$ миқдоридаги маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда. Хитойнинг йирик China National Electric

³² Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 16-17 - вараклар.

³³ Мелибаева Г.А. Экономическое сотрудничество Китая со странами Центральной Азии. – Т., 2010. 50-51 - бетлар.

Equipment Corporation (CNEEC) компанияси станция электроблоклариға ўрнатыладиган қурилмаларни келтирди. 2010 йилга келиб Ўзбекистонда жами 41 шундай ГЭСлар қурилиши лозим. Бу дастүрнинг умумий қиймати 250 млн. АҚШ \$га тенг³⁴.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Республика ҳудуди бўйлаб Хитой инвестицияси иштирокида 176 корхона фаолият олиб борган. Шундан 142 таси қўшма корхона, қолганлари эса 100% Хитой капитали иштирокида ташкил этилган корхоналар. Бу корхоналарнинг асосий фаолият доиралари енгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, воситачилик ҳизматларини кўрсатиш каби тармоқлар. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият, Инвестиция ва Савдо Вазирлигидан Хитойнинг 32 корхонаси аккредитация қилинган. Улар асосан экспорт – импорт операциялари, текстил тармоғида ишлаб чиқариш, информацион технологиялар каби тармоқларда фаолият олиб боради³⁵.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 2011-йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тўзилган 382 қўшма корхона, 65 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда³⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цинтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрель кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Музокара аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифига мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни жадал ривожлантириш жараёнининг мантиқий давоми, ҳар икки томонни қизиқтирган ғоят муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш ва уларни муҳокама қилиш, самарали

³⁴ Ўша ерда. 60-62 бетлар.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 22-23 - вараклар.

³⁶ Манба: uza.uz

ҳамкорлигимизга янги суръат баҳш этиш имконияти сифатида қараймиз"³⁷, деб таъкидлади.

Бўлиб ўтган музокараларнинг мазмун-моҳияти ва муҳокама қилинган давлат аҳамиятига молик йирик масалаларнинг кўлами томонлар ўзаро муносабатларнинг кун тартибиغا қўйилган масалаларига, мамлакатларимиз олдида турган стратегик вазифаларни ҳал этишга нечоғли жиддий ёндашганини намоён этди.

XXР Раиси Ху Цзинтао Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларнинг янги даврига, сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўяётганини, бу босқич юқори технологиялар соҳасида кенг кўламли ҳамкорлик бошлангани билан изоҳланишини таъкидлади³⁸.

Икки томонлама ҳамкорлик натижасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг самарали кечишида банк тизими муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Хитой Эксимбанки ва Давлат банки Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли эканини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори даврида бу яна бир карра ўз тасдигини топганини қайд этдилар³⁹.

Хитойнинг етакчи банклари қўшма лойиҳаларни молиялаштиришга тайёр эканини билдириб, ташриф доирасида қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси учун улар томонидан Ўзбекистоннинг тўрт банкига умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларига teng янги кредит линиялари очилганини маълум қилди⁴⁰.

Шунингдек, Хитой Ҳалқ банки билан Ўзбекистон Марказий банки ўртасида сўм ва юань айирбошлиш тўғрисида битим имзоланди. Бу сармоя ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Хитой Ҳалқ Республикаси раҳбарлари билан бўлган мўзокаралар икки томонлама муносабатлар жадал ва изчил ривожланаётганини ҳамда устувор

³⁷ “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2011 йил 20 апрель.

³⁸ Ўша ерда.

³⁹ “Ҳалқ сўзи” газетаси. 2011 йил 20 апрель.

⁴⁰ Ўша ерда.

йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини ёрқин намоён этди.

XXP Раиси Ху Цзинтао Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой иқтисодиётининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қоплаш учун Ўзбекистондан стратегик хомашё товарларни етказиб бериш сезиларли даражада кенгайтирилгани учун миннатдорлик билдириди. Бунинг натижасида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йилда тўрт баробардан зиёдроқ ошди.

Бу борада Хитойга ўзок муддатли ва муттасил равишда пахта толаси, табиий газ, уран концентрати, рангли металлар, нодир ва камёб элементлар, минерал ўғитлар каби стратегик товарлар етказиб беришни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан томонлар стратегик товарлар савдоси тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг амал қилиш муддатини 2020 йилгача ўзайтиришга келишиб олдилар⁴¹.

XXP раҳбарияти ташриф асносида "Ўзбекистон-Хитой" газ қувурининг учинчи тармоғини барпо этиш тўғрисидаги битим имзолангани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу тариқа қувурнинг газ ўзатиш қуввати иилига 25 миллиард куб метрга етказилади.

Давлатлар раҳбарлари стратегик материаллар етказиб бериш борасидаги ҳамкорлик принципиал аҳамиятга эга бўлса-да, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналиши Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш мақсадида мамлакатимизга юқори технологияларни жалб қилиш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар ижроси эканини қайд этдилар.

Кимё, нефть-газ, энергетика, транспорт соҳаларида йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бу хужжатлар, жумладан, Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини барпо этиш, Ангрен шахрида автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги

⁴¹ "Халқ сўзи" газетаси. 2011 йил 20 апрель.

техникаси учун шиналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, конвейер лентасини ишга тушириш, шунингдек, бутадион каучук, суюлтирилган табиий газ, метанол,monoхлоруксусли кислота ишлаб чиқариш, иссиқлик электр станцияларида янги энергия блоклари қуриш, қўмир саноатини модернизация қилиш ва ривожлантириш, замонавий электровозлар етказиб бериш каби йўналишларга қаратилган.

XXRнинг етакчи телекоммуникация компаниялари - "Хувей" ва "ЗТЕ" билан қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистон ва Хитойни боғлайдиган ишончли коридорлар барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шарқий Хитой - Навоий аэропорти - Европа ҳаво йўлини очиш ҳамда Ўзбекистон ва Хитойни энг қисқа йўллар билан боғлайдиган темир йўл магистралини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

XXP Раиси Ху Цзинтао савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболлари хақида сўз юритар экан, Хитой Ўзбекистонни ўзоқ муддатли асосда ҳамкорлик қиласиган ишончли шерик, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар БМТ ва бошқа етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасидаги конструктив ҳамкорликдан мамнуният изҳор этдилар. Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, савдо-иктисодиёт, сармоя, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканликларини билдиридилар.

2.3КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ ВА ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ

**РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЮРИТИЛГАН ФАОЛ
ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ**

Барчамизга маълумки, ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишини тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислоҳотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар микдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Бунда айниқса қуйидаги асосий омилларни ҳам қайд этиш ўринлидир:

Сиёсий барқарорлик. Давлат томонидан барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган тизимили ислоҳотлар ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари учун яратиб берилаётган тенг имкониятлар, ҳар бир шахс, ҳар қайси хўжалик юритувчи субъектга ўз имкониятларини тўлақонли намойиш этиши учун барча шароитларнинг мавжудлиги.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиб бораётгани. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДҲ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) худудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равища

ишлаб чиқариш ва ахоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Кулай ишchan муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади. Айни пайтда жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иктисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислоҳотларни давом эттириш ва чукурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

Географик ва геосиёсий жойлашуви. Ўзбекистон Марказий Осиёning чорраҳасида жойлашган бўлиб, самарали минтақавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, минтақавий ва трансмиллий лойиҳаларда иштирок этиш учун қулай транспорт коридорларига эга мамлакатdir.

Ривожланган инфратузилманинг мавжудлиги. Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш темир йўллар, автомобиль йўллар ҳамда ҳаво йўллари яхши ривожланган. Темир йўлларимизнинг узунлиги 6,5 минг километр, автомобиль йўлларимизнинг узунлиги 43,5 минг километрга teng. Миллий авиакомпаниямиз томонидан мунтазам равиша дунёning 40 дан ошиқ шаҳарларига тўғридан-тўғри рейслар амалга оширилади, шунингдек, жаҳоннинг 24 та давлатида унинг 43 дан ошиқ ваколатхонаси бор. Республикамизда йилига 48 миллиард киловат саот электр энергияси ва 10 миллион килокаллория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Бу нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таъминлаш, балки хорижга экспорт қилишимиз учун ҳам имкон яратади.

Қулай солиқ ва божхона сиёсати. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар яратилган ва уларнинг кафолати қонун билан мутаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, улар мулк солигидан, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад солигидан ҳамда бир қатор божхона божларини тўлашдан озод этилган.

Юксак салоҳиятга эга ишчи кучининг мавжудлиги. Ўзбекистон юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрларга эга бўлиб, юртимизда аҳоли саводхонлиги даражаси 100 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта маҳсус маълумотга эгадир. Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, мамлакатимизда ўз мазмун ва моҳиятига кўра ноёб бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилди. Ушбу дастур ўн икки йиллик яхлит мажбурий узлуксиз таълим тизимиға ўтиш ҳамда таълим жараёнларининг сифатини тубдан ва тизимли равишда оширишга, кадрларнинг юксак даражадаги умумий ва касбий маданиятга эга бўлган янги авлодини тарбиялашга қаратилган маҳсус чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Аҳолининг турмуш шароитини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу маънода, юртимизда аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшashi ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини

кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-хужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини социал муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айни вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари вужудга келди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига қўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтини мазмунли тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Республикамиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги олти йилдаги ўсиш суръатлари турлича бўлиб, бунда олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари қузатилмоқда (6.1.1-расм).

6.1.1-расм. 2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, фоизда.

Статистик таҳлилларни миллий валютимиз мисолида давом эттирадиган бўлсак, расмий маълумотларга кўра, 2011 йилнинг январь-декабрь ойларида 18291,3 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашган инвестициялар 17,5 фоизни (3198,7 миллиард сўм), инвестицияларнинг ялпиички маҳсулотдаги улуши эса 23,9 фоизни (6.1.2-расм) ташкил этгани ҳам мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллариdir.

Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра “Катта иқтисодий, минерал-хомашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган. Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга кафолат бўлади”.

6.1.4-расм. Инвестициянинг ўсиш суръати ва инветиция ҳажмининг ЯИМдаги улуши.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётан инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (6.1.1-жадвал), 2011 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иктисодий инқирози хукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни қўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда. Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2011 йилда 2006 йилга қараганда қарийб тўрт баробарга қўпайган. 2011 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 78,8 фоизини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.

6.1.1-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама

асосли ва чукур ўйланган сиёsat бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта микдорда маблағлар ажратилмоқда.

2011 йил учун қабул қилинган Ўзбекистоннинг инвестиция дастурида бюджет маблағлари ҳисобидан жами 950 миллиард сўмлик маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди (6.1.2-жадвал), олиб борилган иқтисодий сиёsat натижасида, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра бюджетдан 1101,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Бу эса прогноз қилинган маблағдан 116 фоизга кўп демакдир. Бунга, албатта, бюджет даромадларининг ошгани ва молия-иқтисод соҳасининг тўғри, оқилона олиб борилгани мустаҳкам замин бўлди.

Инвестиция бозори инфратузилмасини шакллантиришда иқтисодий субъектларнинг инвестиция ва молиявий эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга бўлган тижорат банклари, банкдан ташқари молиявий ташкилотлар, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий воситачилар муҳим роль ўйнайди. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарор билан тасдиқланган дастур асосида капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида тижорат банклари кредитларининг салмоғи ҳам юқори бўлаётгани олдинги бобларда кўриб ўтдик.

Республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари жорий этилиши билан уларни молиялаштириш манбалари ҳажми йилдан-йилга ўзгармоқда. Сўнгги олти йилда инвестицияларни молиялаштириш манбаларида давлат бюджетининг салмоғи бошқа бозор иқтисодиётига хос бўлган молиялаштириш манбаларини ошиши эвазига камайиб борган.

Ривожланган давлатларда инвестицияларни молиялаштиришда аҳоли қўйилмаларининг салмоғи анча юқори. Масалан, Японияда аҳоли қўйилмалари банк тизимининг умумий ресурсларида 70 фоизни ташкил этади. Аҳоли учун жамғармаларни юқори ликвидлиги, ишончлилиги таъминланади.

Бу ўринда эътиборингизни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги Инвестиция дастурига қаратамиз.

Юқоридаги 6.1.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2011 йилда ўзлаштирилган марказлашмаган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 77,3 фоизини ташкил этган. Президентимиз маъруzasида қайд этилганидек, 2011 йилда жами инвестицияларнинг (10 миллиард 800 миллион доллар) 73 фоиздан ор тифи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ажратилган инвестициялар қўлами. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш ва янг муҳими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортидан келаётган валюта маблағларини қўпайтириш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тизимларини ривожлантириш учун 2011

йилда бюджетдан 272,3 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Бунинг натижасида 103,5 километр узунликдаги ирригация қувурлари; секундига 13,6 куб метр сувни узатиб бериш қувватига унумдорликка эга бўлган насос станциялари, 11,7 километрлик латок ариқлар; 2 та қудук, 15 та гидротехника иншооти, 0,6 километр узунликдаги қувурлар фойдаланишга топширилди. Натижада 102,6 минг гектар майдондаги ернинг суғориш имконияти яхшиланди.

6.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилдаги Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари

	Молиялаштириш номланиши	манбаларининг маблағлар, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	20 721 845
	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491
.		
.1.	Бюджет маблағлари	950 000
.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000
.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, Республика йўл жамғармаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104
.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527

.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750
.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354
.1.	Корхона маблағлари	7 536 261
.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари	2 069 185 196 289
.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3 835 109
.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан кўзда тутилган тадбирлар учун 2011 йилда 105 миллиард сўм, шундан 78,3 миллиард сўм қурилиш, лойиҳа-қидирув ва реконструкция қилишга; 20,0 миллиард сўм мелиоратив техникалар сотиб олишга; 6,7 миллиард сўм эса кредиторлик қарзларини тўлаш учун сарфланган. Агар амалга оширилган ишларнинг кўламини қайд этадиган бўлсак, ушбу жамғарма маблағларидан оқилона фойдаланиш натижасида 676,2 километрлик коллекторлар қурилди ва реконструкция қилинди; 87,1 километрга тенг бўлган горизонтал ёпик дренажлар, шунингдек, 13 та мелиоратив насос станцияси, 191 та мелиоратив ва 282 та кузатув қувури, 17 та гидротехник иншоотлар қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент қарорининг бажарилиши йўлида қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2011-2015 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган 27 та истиқболли лойиҳа бўйича 990 миллион АҚШ долларилик молиялаш манбаи белгиланди. ХХР ҳукумати, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва Франция ҳукумати ушбу лойиҳаларни молиялаш учун потенциал хорижий инвесторлар ҳисобланади.

	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	Ажратиладиган маблағлар, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	20 721 845
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, <ul style="list-style-type: none"> • Республика йўл жамғармаси • Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси • Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси 	911 834 609800 139930 162104
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши (сўм эквивалентида)	1 376 130 171 750
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиши банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3 835 109
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800

6.1.3-жадвал

Марказлашган ва марказлашмаган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган тадбирлар (2011 йил)

	Молиялаштириш манбалари	Амалга оширилган йирик тадбирлар	Ўзлаштирлган маблағлар, миллиард сўм

1	Бюджет маблағлари	<ul style="list-style-type: none"> сув хўжалиги тизими (ирригация ва мелиорация тадбирлари, янги сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ва бошқа) ривожлантирилди соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотлари учун таълим тизимини ривожлантириш учун қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида шаҳар типидаги посёлкалар, қишлоқ қурилиши учун бош режа ва архитектура лойихалари учун 	272,3 282 31,4 41,5 2,5
2	Республика йўл жамғармаси	<ul style="list-style-type: none"> замонавий йўлларни қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш учун 	348,8
3	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	<ul style="list-style-type: none"> сув хўжалиги иншоотларини қуриш, ирригация ва мелиорация тадбирлари учун 	80,7
4	Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси	<ul style="list-style-type: none"> таълим тизимини ривожлантириш, янги турдаги таълим муассасаларини қуриб битказиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, шунингдек, таълим даргоҳларининг ўкув-лаборатория хоналарини жиҳозлаш учун 	162,1
5	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	<ul style="list-style-type: none"> ўрта маҳсус таълим мактаблари учун спорт мажмуаларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш, мусиқа ва санъат мактабларини ташкил этиш, улар учун замонавий бинолар барпо этиш 	150,8
6	Хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари, Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғарамаси, корхоналарнинг хусусий маблағлари	Янги қурилишлар, модернизация ва реконструкция учун ўзлаштирилган жами маблағлар, миллион доллар	6016,97

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ҳудуд сув билан таъминланиб, 100 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2010 йилда Ўзбекистон 1976 йил 13 июнда имзоланган Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (IFAD)ни ташкил этиш тўғрисидаги келишувга қўшилди, бу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги инвестиция лойихаларини молиялашнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Фонд ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида имтиёзли шартларда молиявий ресурсларга беришга ихтисослашган. Хусусан, фонд 50 йилгача бўлган муддатга факат

бир фоиз миқдорида хизмат ҳақини тўлаш шарти билан фоизсиз қарзлар беради.

2011 йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмираш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан жами 162,1 миллиард сўм (6.1.3-жадвал), шундан капитал таъмираш ва реконструкция қилиш учун 75,2 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган эди. Амалга оширилган аниқ тадбирлар натижасида 2011 йилда: Фарғона вилоятида 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган битта академик лицей; Қорақалпоғистон Республикаси ва Жizzах вилоятида 1170 ўқувчи ўрнига эга бўлган 2 та касбхунар коллежи; Андижон, Навоий ва Сирдарё вилоятларида 450 нафар талабага мўлжалланган талabalар тураг жойлари; Наманган, Тошкент ва Хоразм вилоятлари касб-ҳунар коллежлари учун лабораториялар, шунингдек, 38165 ўқувчи учун мўлжалланган 118 та умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий характерга эга бўлган обьектларнинг фойдаланишга топширилиши. 2011 йилда молиялаштиришнинг турли манбалари ҳисобидан 14084 иш ўрнига эга бўлган жами 1006 та ишлаб чиқариш обьекти фойдаланишга топширилди. Булар:

Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топширилган обьектлар сони	Яратилган ишчи ўрини, киши
Ёғочни қайта ишлайдиган соҳа	41	221
Енгил ва текстил саноати	235	6658
Машинасозлик саноати	17	409
Озиқ-овқат саноати	352	2550
Курилиш моллари ишлаб чиқариш соҳаси	278	3234
Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси	2	7
Фармацевтика саноати	4	137
Кимё саноати	11	139
Бошқа тармоқлар	66	729

Юртбошимизнинг “2010 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маъruzасида таъкидланганидек, жами

инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Олиб борилган тизимли ишлар ва оқилона инвестиция сиёсати туфайли ўтган 2011 йилда ўнлаб замонавий корхоналар ишга тушурildи. Хусусан, “Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль генератори ва копрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда майший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “MAN” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари яқунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон – Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шахридаги эркин индустрιал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтгазгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва пропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларида хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент – Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиласидиган “Талго-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах – Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда ахолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, “Навоий ҳалқаро интермодаль логистика маркази” орқали 50 минг тонна юк ташилди. “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчик довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк

Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореяниг “Кореан Эйр”, “СНОС”, “LG”, Хитойнинг “СНРС”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда.

Амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижаси ўлароқ, 2011 йилда ва ундан кейинги йилларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, уларнинг истеъмолчиларга талофатларсиз етиб боришини таъминлаш борасида хўжалик юритувчи субъектларга ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлар, турли хилдаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилди. Хусусан,

Навоий вилояти «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонасида 3 минг тонна сифимга эга бўлган, замонавий усулда газ муҳитини бошқариб борадиган (РГС) совутиш камералари ташкил этилди ва бунинг учун лойиҳа қиймати 8,3 миллиард сўмга teng бўлган маблағ ўзлаштирилди. Лойиҳага асосан, «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК ва «Kefayat General Trading Co. LLC» (БАА) компанияси маблағлари сарфланди;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Паркент-Грейп» МЧЖ негизида лойиҳа қиймати 377,5 миллион сўм бўлган, 500 тонна сифимига эга совутиш камераси барпо этилди. Ушбу лойиҳага «Ўзинтеримпекс» ДАТСК, «Паркент-Грейп» МЧЖ маблағлари сафарбар этилди. Натижада совутиш камераси бошқарилувчи электрон тизимга уланиб, энергия тежовчи замонавий ускуналар билан жиҳозланди, унда ҳўл мева-савбзавотларни - 5/+5C ҳароратда узоқ вақт (3-4 ой) мобайнида сақлаш имкони яратилди;

Қашқадарё вилояти Китоб туманида «Sevaz-Androniks» МЧЖ қошида 1000 тонна сифимга эга бўлган совутиш камераси барпо этилди. Лойиҳа қиймати: 500 миллион сўм, лойиҳа иштирокчилари: «Ўзмарказимпекс» ДАТСК, «Sevaz-Androniks» МЧЖ. Совутиш камераси ҳўл мева-савбзавот

ҳамда корхонада ишлаб чиқарилган мева шарбатлари ва консерваланган сабзавотларни +4С ҳароратда 3-4 ой давомида сақлашга мўлжалланган.

«Тошкент» халқаро логистика марказининг (ХЛМ) истиқболдаги кўриниши



Шунингдек, Тошкент шаҳар

Сирғали тумани «Тошкент» халқаро логистика маркази (ХЛМ) қошида 2 минг тонна сифимга эга бўлган замонавий совутиш ва музлатиш камераларини ташкил этиш режалаштирилган. 2009 йилда бошлаб юборилган ва қиймати 12,8 миллион долларга teng бўлган мазкур лойиҳани амалга ошириш давомида «Тошкент» ХЛМ юкларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, божхона хизматларини амалга ошириш, жўннатиш ва шу билан бирга «эшикдан эшиккача» принципи асосида юқори даражадаги логистика хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади. Лойиҳага қўра, -20/0 С ҳароратда сақлашга мўлжалланган 3 та музлатиш камераси, -5/+5 С ҳароратда сақлашга мўлжалланган 2 та совутиш камерасини қуриш белгиланган. Музлатиш камераларида ёғ, гўшт, сут маҳсулотлари, мева-сабзавот ва турли хилдаги озик-овқат маҳсулотларини сақлаш назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқ ва натижалар сарҳисобини давом эттирадаган бўлсак, 2011 йилда паррандачилик тармоғини ривожлантириш ва аҳолини тухум ва парандада гўштига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мамлакатимизнинг 8 та ҳудудида (Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари) Ташқи иқтисодий алоқалар,

инвестиция ва савдо вазирлиги ва ташқи савдо компаниялари томонидан жами қиймати 3 миллиард сўмга тенг бўлган 54,3 мингта паранда боқиши мумкин бўлган 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятини амалга ошириш механизmlарини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Инвестиция бозорини шакллантириш инвестиция ресурсларини тўплаш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzасида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Ҳукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қўйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал кўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий

талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятигининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”.

2011 йилда худудий инвестиция дастури доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мутлоқ қиймати 402 миллион долларни ташкил этган. Худудлар кесимида таҳлил қиласиган бўлсак, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг катта қисми Тошкент шахри (39,2 фоиз) ҳиссасига тўғри келган ва хорижий сармоялар иштирокида фаолият олиб бораётган корхоналар сони мазкур йилда 273 тага кўпайган. Умумий ҳисобда мамлакатимиз бўйича 2011 йилда хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил этган. Бошқа ҳудудларимиз бўйича маълумотлар 6.1.3-расмда келтирилади.

6.1.3-расм.Худудий инвестиция дастури доирасида 2011 йилда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.

2011 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони жами 4575 тани, шундан фаолият олиб бораётган корхоналар сони 4203 тани ташкил этган. Фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг 1600 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ҳисобланади.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёsat жаҳон иқтисодий ҳамжамиятияга интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутади. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Farb ва Sharқ ишбилармонларининг мамлакатимизга

барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул килиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришини тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий хокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Инвестицион фаоллик барча соҳа ва тармоқларда жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Биргина Давлат мулки қўмитаси томонидан 2011 йилда 135 та олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши назоратга олинган. 2011 йилда 88,1 миллион доллар ва 22,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилган. Шундан 1 миллион доллар ва 18,5 миллиард сўмлик қисми

“ноль” қийматда сотилган объектлар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади.

Бунда илфор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши юксак даражада тарақкий этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлган. Аммо яна бир ҳақиқат мавжудки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш ҳам мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишига устувор аҳамият берилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда ҳалқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишини жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади.

Ушбу ўринда хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари, тадқиқотларига мурожаат этадиган бўлсак, маркетингшунос олим М.Портеририк трансмиллий компаниялар ва хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатларнинг стратегияси мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганини исботлади. У рақобат устунлигини тўрт йўналишга бўлади: корпоратив бошқарув устунликлари; ишлаб чиқариш омиллари

устунлиги; мамлакатдаги талаб ҳажми; кўмакчи ва қўшимча тармоқларга боғлиқ устунлик.

М.Портер ушбу омиллар синтезини “рақобат афзаликлари бриллианти” деб номлайди ва улар капитални четга чиқаришнинг муваффақиятини кафолатлашини назарда тутади. Қўшимча омиллар сифатида эса давлатнинг оқилона сиёсати ва “омадли вазиятлар”ни келтиради. Шунингдек, олим мамлакатда ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқлари мавжудлиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакат учун катта рақобат устунликлари ва имкониятларини яратишини исботлайди. Бунинг учун давлат тармоқ ва соҳалар бўйича кластерларни ривожлантиришга туртки бериши кераклигини таъкидлади. Масалан, мамлакатда замонавий озиқ-овқат саноатини ривожлантириш аграр соҳа маҳсулотлари (сут, гўшт, полиз маҳсулотлари, мева ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни, шунга мос равишда тегишли ҳажмдаги ўраш ва қадоқлаш ускуналари, замонавий чакана савдо тизими мавжудлигини талаб этади; мамлакатда қишлоқ қурилишини жадаллаштириш учун эса замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни, коммунал хўжалик тизими ҳамда инфратузилма хизматлари ривожланишини тақозо этади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда иқтисодиёт бирёқлама эмас, балки кўпёқлама, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш орқали комплекс ривожлантириб борилмоқда.

Юртбошимизнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маъruzасида таъкидланганидек, “Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошибб, ўтган (2011 йилга) йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади.

Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиги ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, айниқса, эътиборлидир. Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради”.

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутади.

2012 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиласидан бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. Бу йилги инвестицион дастурда молиялаштиришнинг яна бир манбаси бўлмиш Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 46997,6 миллион сўм маблағ иқтисодиётимизга йўналтирилиши кўзда тутилган.

Хар доимгидек, корхона ва ахоли маблағларининг улуши бошқа манбаларга нисбатан юқори бўлиб, марказлашмаган инвестицияларнинг 56,1 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини пасайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши

2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 38,1 фоиз бўлиши режалаштирилган.

6.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2012 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	23 679 701
1.	Марказлашган инвестициялар:	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	1 059 354,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан: <ul style="list-style-type: none"> • Республика йўл жамғармаси • Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси • Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси • Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси 	1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриши (сўм эквивалентида)</i>	1 701 901 301 564
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	17 938 809
2.1.	Корхона маблағлари	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиши банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриши учун имтиёзли кредитлари</i>	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	3 237 604

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиха, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида

кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоқقا (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари муҳим инвестиция институти ҳисобланади. Чунки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва модернизация қилиш, корхоналарда ишлаб чиқаришни технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида қўйиладиган инвестицияларни маблағлар билан таъминлашни банклар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, 2012 йилги Инвестиция дастурида 3524824 миллион сўм маблағ айнан тижорат банклари томонидан кредит маблағлари сифатида йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу рақам умумий марказлашмаган инвестицияларнинг 19,6 фоизини ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташабbusи билан 2006 йилда ташкил этилган, низом фонди бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бормоқда, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда 1 432 400 сўм сарфланиши режалаштирилган (6.2.1-жавдал).

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлик устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргалиқда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргалиқда молиялаштириш в амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг кўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осий тараққиёт банки, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислом тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикамизда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўймоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишини таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муғҳим ўрин тутади. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан

фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион мухитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтида элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гурухга бўлиш мумкин (6.2.2-жадвал).

6.2.2-жадвал

Худудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари

№	Худудлар	Худуднинг умумий иқтисодий ривожла ниш даражаси	Худуднинг молиявий ресурслар билан таъминниши	Инвестицион инфра тузилма ривожланиши даражаси	Худуднинг демографик тавсифи	Институционал ўзгаришлар ва ривожла ниш даражаси	Худуднинг инвестицион фаолият хавфсиз лиги даражаси	Мутлақ интеграл ранг кўрсаткич
1	Қорақалпогистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Биринчи гурухга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу худудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гурухни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу худудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гурухга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

6.3. Мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнози

Ушбу бўлимни ёритишда 2011 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи асосий тенденция ва қўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари статистик тўплами маълумотларидан кенг фойдаланилди.

2011-2015 йилларда таркибий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011-2015 йиллар давомида охирги беш йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солик юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011-2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишdir. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга teng бўлган Толимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўнилишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011-2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиласидиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало Сургиль кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гурӯҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс қуриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобиллари, “Мерседес Бенц” шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, “Клаас” компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, хукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи

навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойихаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиши билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жал этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрални участкаларини қуриш, ичимлик сувини билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойихалар амалга оширилади.

2012 йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойихалари: 2012 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва хорижий компаниялар томонидан жами 7,5 минг тонна сифумга эга бўлган 3 та совутиш камерсини барпо этиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, 2011-2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этиши ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тијорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашга қаратилган инвестиция лойихаларини молиялаштиришга жалб этилади.

Хулоса

Хитой Халқ Республикаси хориж сармояларини жалб қилиш механизмлари ғамда уларни тартибга солиш бўйича жахон стандартларига мос равишда иш юритиб келмоқда. Мамлакатда инвестиция муҳити учун барча меъёрий талаблар ҳамда шарт-шароитлар яратилган.

Хитой ҳукумати хориж сармоядорлари учун кенг эшик очаётган бир пайтда стратегик аҳамият эга соҳаларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсаидаги сармоялардан кенг фойдаланиш тартибини ишлаб чиқди ва бу йўл билан мамлакат миллий иқтисодиётининг “нозик нуқталари” давлатнинг кўз остида бўлади. Бу эса иқтисодий қарамликнинг профилактикаси дессак муболаға бўлмайди.

Малакавий иш доирасида шу маълум бўлдики, XXР нинг ЖСТ га аъзо бўлиши тезкорлик билан мамлакатга чет эл сармоясининг оқиб келишига хизмат қилди. Биринчидан, XXР ЖСТ га аъзо бўлиши билан қонунчилик меъёрларини талаб даражасига етказди, бу эса хориж сармоядорларининг шахсий мулклари хавфсизлигини таъминлашда халқаро норматив ҳужжатлар тизими билан ифодаланилди ҳамда сармоядорларнинг хавфсиз сармоя тикишларига бош сабаб бўлди. Иккинчидан, Хитойнинг ЖСТ га аъзо бўлиши ТМК ларнинг хитой бозорига сармоя киритишига олиб келди, бу эса хитой сармоя муҳитининг кенгайишига бош омил бўла олди.

XXР олиб борилган оқилона сиёsat туфайли мамлакат иқтисодиёти қисқа фурсат ичидаги ривожлана олди ва бунинг бош сабаби этиб хориж сармояларининг келиши кўрсатилинади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва инвестиция фаолияти тараққиётини таъминлаш қулай инвестиция муҳитини барпо этишни талаб қиласди. Қулай инвестиция муҳити анча кенг тушунча бўлиб, у чет эл инвестицияларнинг кириб келиши ва ўзлаштирилишида кўплаб ижобий шарт-шароитлар бўлишларини талаб қиласди.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётига чет эл инвестициясининг барча шаклларини фаол жалб қилишдаги амалий тадбирлардан намуна сифатида Ўзбекистон Республикаси инвестиция соҳасида амалга оширилган ва оширилиши лозим бўлган тадбирлар умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқдир:

- мамлакатнинг худудий ва тармоқ, тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;
- гурухланган омиллар натижасида, нафақат, худудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсатгичларини ҳисобга олиш;
- Хитой тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда маҳсус эркин ҳудудлар ташкил этиш (Навоий эркин иқтисодий-индустрисал ҳудуд каби);
- чет эл инвестициясини жалб этувчи хўжалик субъектларида мулк қийматидан тўланадиган имтиёзли солиқ ставкасини ўрнатиш орқали уларнинг мол-мулкини қисқа муддатда қайта баҳолашга қизиқтириш;
- чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;
- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида Халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;
- маҳаллий «масъул» муассасаларнинг чет эл инвестицияларини ҳудудларга жалб қилишдаги фаоллигини ошириш;
- чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисбот тизими самарадорлигани ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Хитой Халқ Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасидан Ўзбекистон Республикаси йирик салоҳиятга эга ҳамда миллий иқтисодиёти узлуксиз ўсиб бораётган мустаҳкам ҳамкор давлат деб билади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.– Т.:Ўзбекистон, 2008- 40 б.
2. “Халқ сўзи” газетаси. 2011 йил 20 апрель.
3. И.А.Каримов. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент Ислом Каримов ЎзР Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.07.12.2010 й. www.press-service.uz
4. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга ҳаракат қиласди.” Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимзни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.press-service.uz
5. Каримов И. А. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 130.
6. Ван Ин. Присоединение Китая к ВТО: условия и последствия. – М.: МГИМО – Университет, 2009.
7. Гудошников Л.М. Современное законодательство КНР. Сборник нормативных актов. – М.: Зерцало, 2010
8. Дай Юэ. Формирование инвестиционного климата в КНР: тенденции, проблемы, перспективы: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М., 2009.
9. Великомыслов Ю.Я. Иностранные инвестиции. Международно-правовое и внутригосударственное регулирование деятельности предприятия с иностранными инвестициями. – М., 2010.
10. Смаилова Г. Новые возможности торгово-экономического сотрудничества КНР и государств Центральной Азии в рамках ВТО // Китай и страны Центральной Азии в современных геополитических условиях. Сборник статей. / Под ред. Л.Музапаровой. - Алматы: Центр по изучению Китая при ИМЭП, 2008. - стр. 87-90.

11. Ли, Теин. Развитие китайской экономики в XXI веке: проблемы и перспективы // Халқаро муносабатлар. - Т., 2001. - №4. - стр. 13-19
12. Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар.
13. Bailes A. Dunay P., The Shanghai Cooperation Organization as a regional security institution// The Shanghai Cooperation Organisation, Stockholm International Peace Research Institute, Policy Paper No. 17, (May 2007) <http://www.sipri.org/contents/publications/Policypaper17.html#download>
14. Поощряемы сферы для привлечения инвестиций в Китайскую Народную Республику. Торговое представительство России в КНР [электронный ресурс] Режим доступа: <http://russchinatrade.ru/ru/about-china/invest-in-china>.
15. Азиатский мир. Куда движется Китай? О последнем съезде КПК и перспективах социализма. // Перспективы. [электронный ресурс] Режим доступа: [http://www.perspektivy.info _2007-11-15-34-51.htm](http://www.perspektivy.info/_2007-11-15-34-51.htm).
16. Li, Yuefen. Why is China the World's Number One Anti-Dumping Target? // China in a Globalizing World. - New York and Geneva: United Nations, 2005. - p. 109.
17. Асадуллаева И.Р. Хитой ташқи иқтисодий фаолиятига глобаллашувнинг таъсири: умумжаҳон тенденциялар ва намоён бўлиш хусусиятлари: Дисс. и.ф.н. -Т., 2006.
18. Исаджанов А.А. Внешнеэкономическая политика Китая в условиях глобализации // Халқаро муносабатлар. - Т., 2009. - №1. - стр. 45-46.
19. Мелибаева Г.А. Экономическое сотрудничество Китая со странами Центральной Азии. – Т., 2010.
20. Китай во главе Ху Цзиньтао в 2010 г. увеличил объем внешнеторгового оборота. www.rbs.ua/rus.
21. Деловой журнал "ChinaPRO" - Весь Китай # 2 (32) от 05.03.2008 года. Законы Китая / <http://www.chinapro.ru/law/32/>